Ф.Ф.Фортунатовнинг сўзнинг синфлари хақидаги назарияси барча анъаналарга қарши нутқ бўлимларининг сўзлар классификацияси, юнон грамматикасига кўтарилиши учун ишлаб чиқилган эди.

Сўз ўзгартирувчи формадаги сўзларни ўз ўрнида у кесим формасидаги ва иккинчи даражали гап бўлаклари формасидаги сўзларга бўлиб чиқади.

Ф.Ф.Фортунатовнинг сўз бирикмалари хақидаги таълимоти, шунингдек унинг форма хақидаги таълимотига асосланади.

Сўз бирикмаларининг илмий тадқиқоти тилларнинг типологик фазилатларини очиб беришга ёрдам берди ва конкрет тилларнинг махсус гап тузилишини тамойилларини белгилаб беради. Кесимнинг формаларини Ф.Ф.Фортунатов грамматик гап белгилари деб аниқлади.

Ф.Ф.Фортунатов учун ўз, ичига грамматик эга ва грамматик кесимни киритган грамматик гап бўлиб сўз бирикмалари келиб чиқади. Ф.Ф.Фортунатов тилшунослардан биринчи бўлиб сўзни сўз бирикмаларидан ажратувчи формал меъзонларни аниқлашга мувофиқ бўлди синтаксис назариясини ривожланишига унинг концепсияси улкан таъсир кўрсатди.

Урта “рус грамматик анъанаси, ва у орқали ғарбий, биринчи навбатда Праганинг, Ф.Ф.Фортунатовнинг лингвистлик тартиби, таниқли таъсирга учраган. Грамматиканинг схематик тузилиши, XX аср янги лингвистик таъсирлар остида, абстрактга иштиёқли ва шаклланиши охангдош бўлиб чиқди”.

Таниқли рус олими А.М.Пешковскийнинг меҳнат самараси, гапда синтаксис муаммоларини чуқур ёрита олди. А.М.Пешковский, Ф.Фортунатовдан фарқли ўлароқ “тугалланган сўз бирикмаларнинг муҳим белгилари деб, яъни гапларни, форма эмас, балки кесимнинг маъноси дэб хисоблар эди.”

А.М.Пешковский тилнинг аниқ белгилари билан психологик асосларини, кесимланиш тушунчасини ажратган ҳолда, ўзгартиришни таклиф қилади.

Хусусий грамматик кесимланишдан ташқари, А.М.Пешковский феъллашишга асосланган холда, хар хил формал воситалар билан ифодаланган, умумий кесимлашиш категориясини ажратди.

Гап тузилиши формасининг муаммосини ўрганиш жараёнида, А.М.Пешковскийнинг формал тил воситаларининг хилма-хиллиги, гапнинг тузилиш формал протсессининг қатнашиши хақидаги айтиб ўтилган фикрлари, катта қизиқиш тақдим этади.

А.М.Пешковский гап тузилишининг вужудга келишида, тилнинг воситалари билан ўзаро таъсирчанлигини ўрганиш билан бирга: “Улкан ходисаларга интонация воситалари эркин характери билан ажралиб туради.....”

А.М.Пешковский рус тили синтаксисининг тарихида биринчилардан бўлиб, гапнинг ритмик талафузларига аҳамият берди.

А.М.Пешковский ўз ишларида грамматик ва интонация воситаларининг ўзаро таъсирчанлигини кўриб чиқмаса ҳам, гап тузилишининг расмийлаштириш роли хақидаги эслатмаси, синтактик назариянинг ривожланишида катта рол ўйнайди. (У талаффуз ва сўз тартиби грамматикани ўрганиш доирасидан ташқари туради, деб ҳисоблар эди.)

Интонация ва сўз тартибини А.М.Пешковский “ёрдамчи” воситалар деб ҳисобларди.

Барча синтактик маънолар варианты сўзлар тартиби ўзгаришлари билан яратилади (Мен эртага сеникига бораман, сеникига мен эртага бораман, эртага мен сеникига бораман, мен сеникига эртага бораман ва х.к, доимо интонация ўзгаришига қараб ўзгаради), мутлақо сўзлар формасига қараб ифодаланган маъновий кўмакчи сўзлар ҳам четланадилар. Бизнинг сўз тартибимиз интонацияга нисбатан камроқ грамматик восита бўлиб келади. Интонацияда биз бир неча интанацион воситаларнинг бирлашишини топдик, унда хусусий грамматик воситалари бутун бир маъно учун яратилган, лекин сўз тартиби соҳасида бундай ходисани топмадик. Шу билан бирга, биз сўз тартибини фақат ёрдамчи воситалар каби аниқлашимиз эмас, балки

интонацияга нисбатан худди ёрдамчи восита иккинчи даража деб аниқлашимиз мумкин.

А.М.Пешковский ёзувларидан кўриниб турибдики, у интонация ва сўзлар тартибини бошқа грамматик воситалар билан бир қаторга қўймаган.

Охангли воситалар билан ифодаланган маъноларни ўрганиш билан бирга А.М.Пешковский “интонацион кесимликни”, унинг “грамматик кесимликга” қарама-қарши қўйилишини айтади. Улар бир-бирига мос келиб, бир-биридан ажралиб кетиши мумкин. Бизнингча, А.М.Пешковский синтаксиснинг ривожланиш назариясидаги улкан хизмати шундан иборатки, у гапнинг тузилиши процессида феълнинг хусусий формасидан ташқари бошқа тил воситалари ҳам иштирок этадилар, бу тил воситалари ўзаро таъсирланадилар, шу билан бирга мураккаб тил воситаларининг ўзаро тил таъсирчанлигини вузудга келтирадилар, гапнинг хақиқий синтаксис структурасини тушуниши учун.

А.М.Пешковский таърифи бўйича қонун сифатида гап тузилиши жихатидан тил воситаларининг ўзаро муносабати, функционал ва коммуникатив лингвистикани ўрганишдаги муаммо билан боғлиқлик, яна мантиқий ва грамматик даражадаги ўзаро муносабатларни ўрганишда , замонавий синтаксисда алоҳида жуда муҳимликка эга бўлди.

А.М.Пешковский<sup>17</sup> синтаксис назариясининг ривожланишига қўйилган ҳиссасини баҳолаб, Л.А.Булаховский шундай қайд қилган эди: “А.М.Пешковский “ўзининг рус синтаксиси” билан илмий тушунтиришда, (1913 йил) амалиётга тадқиқотига икки моментни олиб кирди, бу мисраинг ритмико – оҳанг (интонацион) томонига эътибор ва синтактик маънонинг экспериментал усулини ёритишдир”.

Ф.Ф.Фортунатов машхур ўқувчиларидан ва давомчиларидан бири бу А.А.Шахматовдир.

---

<sup>17</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1956.-365с.

Худди шу одам диалекталогиа қадимий рус адабиёти, фольклор, тарих ва этнография муаммоларининг кўплаб илмий асарлари тегишлидир. Аммо синтаксиснинг ривожланиш тарихи учун, А.А.Шахматовнинг айнан синтаксис соҳасида қилган меҳнатлари улкан қизиқиш тақдим этади. А.А.Шахматов “рус тили синтаксиси” капитал меҳнатида асосий саволлар ишлаб чиқди:

- а) гапнинг бир таркибли ва икки тартибли таълимотига
- б) сўз бирикмаларини таълимотига, тушириб қўйди.

Агар Ф.Ф.Фортунатов синтаксис предметини сўз birlikлари ҳақидаги таълимот деб аниқлаган бўлса, А.А.Шахматов эса синтаксис предметини гап деб ҳисоблаган. А.А.Шахматов : “Инсон нутқининг алоҳида бирикмаларига муносиб тушунчилар бўлаги синтаксисда гаплар деб аталади. Гап ўрганиш синтаксиснинг вазифаси, яни сўз ифодаловчи бирламчи тафаккур бўлиб келади.” – деб ёзган.

А.А.Шахматов учун гап таълимотини яратмоқ, катта аҳамиятга эга, чунки “тил ўз элементларида туғилди ва гапнинг таркибида ривожланди, ёки гап сўзда топилган яққа фикр усулининг топишиши”.

А.А.Шахматовнинг “гап назарияси ўзагида коммуникация ҳақидаги таълимотда, асосий ягона фикр, худди икки психологик тасаввурлар бошқа одамнинг мақсадини етказиш кабидир”.

Бирламчи ёки коммуникация бўлаклари бўлиб, психологик шахс ва психологик маъно бўлади, улар орасидаги алоқани маъновий деб аталган. А.А.Шахматов, бунда у ҳукмрон тасаввурини субъект (шахс), маънони эса қарам яни тобе деб ҳисоблаган. Ҳар бир психологик коммуникация турида шахс ва маъно иштирок этади, улар конструктив гап бўлаклари бўлиб келади.

А.А.Шахматов ҳар қандай коммуникацига икки бўлакликни ўрнатади, сўнгра гапни бўлақларга бўлади. Масалан, “ Биздан кўрққан қарға баланд шохга учиб кетди”, гапда тобе бирикма бўлади: “Баланд шохга учиб кетди”, лекин фақатгина “учиб кетди” кесим бўлади, ҳукмрон группа таркиби “Биздан кўрққан қарға” бўлади.

А.А.Шахматовнинг психологик нуктаи назаридан келиб чиқиб, кўриниб турибдики, коммуникация тушунчаси, ҳақиқатдан мантиқий бўлиб келяпти, “Хукмрон таркиб” ва “тобе таркиб” грамматик шахс ва маъно тушунчаси билан мос тушади. А.А.Шахматов тавсиясига мувофиқ, асосида коммуникация таълимот муносиблиги аниқланганда, шундай маъно борки, унда гап-бу тил бирлиги бўлиб ва тафаккур бирлигини ифодалаш учун хизмат қилади.

“Гап-бу гапирувчи ва тингловчи томонидан қабул қилинадиган нутқ бирлиги бўлиб, худди грамматик бутун ва фикрни ифодаловчи бирлик каби хизмат қилувчидир”.

А.А.Шахматовнинг гап ҳақидаги назариясида, унинг икки ва бир таркибли гаплар ҳақидаги таълимоти, хилма-хил типдаги гап бўлинишининг хусусиятлари синтаксис назариясининг ривожланишида катта рўл ўйнайди. Синтактик меҳнатларини баҳолай туриб академик В.В.Виноградов, А.А.Шахматов ҳақида шундай ёзган: “А.А.Шахматовнинг синтактик ишларининг рус тилшунослик тарихида ахамияти жуда каттадир”. А.А.Шахматовнинг “синтаксисда биринчи бор улуғ манбаалар йиғилган ва бу замонавий рус тилидаги синтактик йиғилмаларнинг хайратланарли даражадаги характерга эга бўлган, айниқса ҳар хил гап турларининг доирасидаги бойликдир. Биринчи бор А.А.Шахматов гапнинг ҳар хил турларини характерламоққа, кунт билан таърифламоққа, ва бу ранг баранг такис системани топмоқликка ҳаракат қилди. Биз учун замонавий рус тили синтаксиснинг соҳасида А.А.Шахматов кўпгина конкрет кузатувлари ва мулоҳазалари сўз бирикмалари ўзининг бебаҳо маъносини сақлаб қо

#### **1.4. Гап тахлилининг дескриптив тилшуносликдаги муаммолари**

Дескриптив тилшунослик, одатда америка тилшунослик Йелек мактаби деб назарда тутилади, ва унинг асосчиси таникли америка тилшуноси Леонард Блумфильдир, “Язык” китобининг муалифи (1933 йил). Айнан дескриптив тилшунослик намоёндалари, баъзибир замонавий синтактик концепцияларини яратдилар ва янги тадқиқот усуллари билан синтактик ишларни бойитдилар, булар: дистрибутив тахлил, трансформация усули.

Блумфильддан ташқари бу мактабга Б.Блок ва Д.Ж.Трейгер (“Очерк лингвистического анализа”, 1942) З.Харрис (“Лингвистикани тузилиши методлари” 1951 йил ва “Тузилган лингвистика”, 1961 йил), яна Ч.Хоккей (Фонология бошқаруви, 1955 ва Замонавий тилшунослик босқичи, 1958 йил) ва Г.Глисон (Дескриптив тилшуносликка кириш 1955). Дескриптив тилшунослик аъзоси бўлиб, америка тилшунослик уюшмаси томонидан чоп этиладиган журнал “Language” бўлади.

Маълумки, Соссюр фикрларининг таъсири остида ва ёш грамматикларга тилшуносликда худди атомизмга қарши бўлганидек, XX аср тилшунослигида янги лингвистик йўналиш вужудга келди ва у структурализм дея ном олди.

XX аср структурализмининг вужудга келиши илм билан раванқ топди. Тузилиш маъноси XX асрда кенг тарқалган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Бу тушунча аниқ фанлар билан биргаликда вужудга келди. Бирламчи фикрлар ва тузилишлар турли илмларга кириб келди, тилшуносликка ҳам.

Умумий “структурализм номи остида:

- Прага мактаби,
- Копенгаген мактаби,
- Америка мактаблари бирлашади.

Бу мактабларнинг ҳар бири ўз лингвистик ва фалсафий нуқтаи назарлари билан характерланади. Шу билан бир вақда, барча мактабларнинг ўзаро умумийлиги ҳам бор.

Умумий ва энг асосий фарқ, барча йўналишлари тузилишларининг нуқтаи назари тилга қаратилган бўлиб, худди бўлақларида фақатгина ўзаро

таъсирчанлиги бор системага қаралгандек. Бу фикр аниқ қилиб, Фердинанд Соссюрнинг умумий тилшунослик курсида ифодаланган бўлиб, структурализмнинг асл байроғи бўлди.

Барча структурал мактаблар учун умумий деб кейинги ҳолатлар келиб чиқади:

1. Тил- бу белгили система, тилнинг бўлиниш савияси-бу унинг энг муҳим хусусияти;
2. Асосий тил бирликлари – бу фонемалар ва морфемалар (сўзлар ва конструкцияларнинг вужудга келиши учун асос). Парадигматик ва синтагматик муносабат тил тузилиши бирлигининг асосий формаси бўлиб келади.
3. Тил таърифининг синхрон усулига афзаллик берилиши.
4. Структуралистлар учун тилнинг тузилиши бирликларидаги методларининг муаммолари жуда муҳим маънога эга.

Америка мактаблари структуралистлари Европа структуралистларининг анъаналарини давом эттирдилар, аммо тилнинг текшириш йўлидаги кўпгина саволлари бўйича ўз йўлларида кетдилар.

Л.Блумфильднинг “Тил” китоби лингвистик тадқиқот ишлари йўлида америка лингвистлари учун ўқув қўлланма бўлди.

Бу китобда олимлар томонидан берилган лингвистик тадқиқот ишларининг масалалар, принциплар ва усулларининг қоидалари, асосий дискриптив лингвистика бўлади.

Бирлаштирувчи марказ бу ўзининг атрофида турли америка структурализмининг йўналиш группаларини йиғган. 1924-йилда тузилган “The linguistic Society of America” - Америка лингвистик жамияти бўлди.

АҚШда лингвистик ғоялари ва методларининг шаклланишида ва ривожланишида у улкан рол ўйнади.

Айнан XX аср бошларида Америка тилшунослигида, баъзи бир характерли чизиқлари бўлдики, улар АҚШ лингвистикасининг ривожланишидаги айрим ўрганишларда тузилиш бўлди. Барча Америка илмлари характерли

бўлганидек, америка лингвистикаси учун прагматизм ўзига хосдир, яни илмий қизиқиш билан амалиётларининг бирикмаси бир бўлганидек.

АҚШда тилшунослик назариясининг ривожланишида, бошидан кўпгина хинду тилларни амалиёт ила ўрганишда боғлиқлик бўлган биров уларнинг ёзуви бўлмаган. Маълум бўлишича, Европа лингвистикасининг анъанавий методлари, ёзувсиз тилларини ўрганишда умуман яроқсиз эди.

XIX асрдаёқ АҚШда хинду тилларни қайта ишлашда амалий эҳтиёж вужудга келган, энг аввало маъсулиятли инсонларнинг ишларини осонлаштириш учун.

Асосий Америка тилшуносларининг вазифаси ушбу тилларнинг таъриқлашдан иборат деб саналарди. Фонетика – фонологик, лексик, грамматик хусусиятлар индей тилларининг янги усуллари ва йўлларининг лингвистик тахлилини яратишда улар лингвистик назарияни табиий ривожланишини талаб қилганлар.

Бошқа масала Америкалик лингвистлар олдида айнан бундай қўйилган эди: бошқа кўпгина тилларнинг тезкорлик билан ўрганилиши масаласи фақатгина янги тилларнинг хусусиятларини ўрганишда лингвистлар қизиқишларини кенгайтирибгина қолмай, балки уларни инглиз тили тахлиliga мурожаат қилишга мажбур қилди, ёки лингвистик тахлилнинг янги усуллари инглиз тили маълумотларида синалди.

Инглиз тили лингвистлари билан ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги, тилшунослик назариясининг ривожланишида жиддий рағбат бўлди.

Ниҳоят Америка лингвистикасига амалий таржимани вужудга келтириш учун бўлган мухтожлик катта таъсир кўрсатди. Кўпгина америкалик лингвистларга формал тил тахлилининг тузилиши ва ривожланишидаги фикрлар ўзига хос бўлган.

Шундай қилиб, дискриптивистларга тилни регистрация фактларининг кетма-кетлигини изохлаш эмас, аксинча таърифлаш марказий масала бўлиб қолди. Морфемалар дистрибуциясини ўрганиш шуни кўрсатдики, барча фикрларни ҳосил қилидан аввал, морфемалар баъзибир оралик элементлар

билан бирлашади, яни ўз навбатида бир бири билан бирлашиб бир бутун мулохаза хосил қиладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки дескриптивистлар фикрини ва гапни жарангли ва ёзма нутқ бирлиги деб таққослашни таклиф қилганлар.

Бундай фикрларни тушуниш учун материал спецификаси ва унинг тахлил методлари белгиланган эди: Америка дескриптивиствици индей нутқини ўрганишда ўсди, бу қабилалар на ёзувни на лингвистика таърифнинг анъаналаридан хабардор эдилар. Бундай ҳолатда дескриптивистлар анъанавий гап тушунчасини инкор этишга мажбур бўлдилар.

### **Гапнинг бевосита - тузилиши бўйича бўлиниши**

Конструкция асосий синтактик бирлик деб тан олинади. Конструкция тузилган бирикмаларидан ва ўзи ҳам тузувчи анча катта бирлик бўлиши мумкин. Дескриптивистларнинг айтишларича, гап бўлинишининг асосий усули бўлиб, бевосита тузувчи модель бўлади.

Грамматика бевосита тузувчиларини бирлик билан бўлиб булар бевосита тузувчи (БТ) деб аталадилар.

Гапнинг бўлиниши бундай ўтказилади, ҳар бир бўлиниш босқичи - конструкциянинг максимал узунлиги билан ажралади яъни бундайлар ўз навбатида кейинги бўлиниш сонини максимал даражасига олиб келади.

Бундай бўлақлар бевосита - тузувчилар деб аталади. ( Immediate constituents ).

БТ граматик син терминларида шундай аниқланадилар:

БТ тахлили бўйича одатда тузувчини ичида марказий (бош)компонент ва унга тобе бўлган кампаненти ажратиб кўрсатиш мумкин, ва бу компонентлар ядроси ва йўлдоши деб ном олдилар.

Бу инглизча гапнинг бўлиниши БТ методи бўйича бундай ўтказилади: ҳар бир БТ бўлинишининг кейинги бўлиниши этапида яна икки максимал узун бўлаққа бўлинади ва биз калта сўзларни ололмаймиз, синтактик даражага тегишли бўлмайди.

БТ методларининг фазилатларини ва камчиликларини анализ қила туриб, берилган метод дескриптив анализининг тилли фактларининг натижаси бўлиб келади деб белгилаб қўйиш керак. Лингвистик тадқиқотларнинг кейинги шаклланишига ўтишда, бу усул жиддий характерланади.

Таниқли лингвист Ю.С.Степановнинг<sup>18</sup> ҳаққоний ёзишича “БТ методининг қўлланилиши, ҳар қандай фикрни аниқ ва карама-қаршиликсиз, худди психологик ёки “мантиқий” шахс ва маъно, хаттоки анъанавий лингвистик тушунчалар “эга” ва “кесим” ёрдамисиз ҳам таърифлашга йўл қўяди.

Бироқ, БТ методи гапни сўз ибораларини сўздан ва давомий, морфемаларидан, инсон мулоқотининг ҳақиқатга яқин конкрет бирлигини таърифлашга йўл қўймайди”.

Дескриптив лингвистика асосида қурилган, Л.Блумфильд морфология ва синтаксиснинг принципал чегараланишини синтактик конструкция (сўз ибора) ва гап орасида келтирмаган эди.

“Энг жиддий қийинчилик шундан иборатки, БТ нинг модели етарли кучга эга эмас ва у лингвистик тадқиқотлардаги хима-хиллигида ва унинг муаммоларини ечишда ожиздир”.

Бунга ишонч хосил қилиш учун, 2та мисолда тўхталиб ўтамиз. Кейинги гапларни солиштирамиз:

**1.Ўқувчи китоб ўқияпти.**

**2.Ўқувчи китоб ўқияптими ?**

**3.Ким китоб ўқияпти ?**

**Хар бир ўзбек тилини билганга аниқки, “Ўқувчи китоб ўқияпти”- дарак гап, “Ўқувчи китоб ўқияптими ?” ва “Ким китоб ўқияпти ?” – сўроқ гаплардир.**

---

<sup>18</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.-М., 1975.-200с

## **II Боб. Функционал тилшуносликда гапнинг тахлили**

Синтактик ишлардаги гап муаммоларининг коммуникатив функционал нуқтаи назарига охирги йилларда жуда кўп ахамият берилляпти.

Айни дамларда лингвистик тадқиқотларда функционал морфология, функционал синтаксис, функционал грамматика тушунчалари ва тилшуносликнинг кенг функционалиги кенг шароитда иштилаяпти. Тилшунослик тарихидан маълумки функционал тилшкнослари бу Прага тилшуносларидир.

Модомики Прага тилшунослик тўғарагида функционал усуллар назарияси биринчи босқичли ўринни эгаллар экан, бу мактабни функционал тилшунослик мактаби деб хам аташади.

Прагаликлар тилшунослик объектини ўз асосларидан келиб чиқиб тилни аниқ мақсадлар ила одамлар жамиятида ишлатиладиган восита деб аниқлаганлар. Тил бу аниқ мақсадни ифодалаш учун хизмат қиладиган воситалар системасидир.

Прага структуралистларининг тилшунослик нуқтаи назарлари Соссюр ва Бодуен де Куртенеларнинг ғояларининг таъсири остида шаклланди. Аммо Прага тилшунослик тўғарагининг аъзолари Соссюра меросини танқидий қайта ишлаб чиқиб ва бойитишга эришдилар, айниқса синхрон ва диахрон муаммоларига нисбатан.

Прагаликлар жуда тиришган ҳолда, диахрон ўрганиш ўз ичидан фақатгина система ва функция тушунчаларини чиқариб ташлаб эмас, аксинча бу тушунчаларсиз тўлиқ бўлмаслик ҳақидаги тезисни таърифлаб беришади.

Тилнинг вазифалари ва бирикмаларининг хилма-хиллигини ошкор қилиш ва ўрганиш, Прага тилшунослирининг асосий тезисларидан биридир. Бошқа кўпгина муаммолари ичида прага мактабларининг олимларини қизиқтирган муаммоларидан фонема муаммолари алоҳида ўрин тутган.

Бодуенде Куртаненинг меросини танқидий ишлаб чиқиб ва Ф.де Соссюранинг баъзи бир таълимот низомларига таянган ҳолда, Прага

структуралистлари янги тил ҳақидаги илм соҳасини, яни фонологияни яратдилар.

Н.С.Трубецкой ўзининг “Фонология асослари” ишида фонетикани фонологиядан фарқлаган ҳолда фонемага аниқлик киритади, фонемалар қоидаларининг фарқли вариантлари ва бирикмаларини шакллантиради. Н.С.Трубецкой оппозициялар ва улар турларининг (бирҳадли ва кўпҳадли ва х.к) ҳақидаги таълимоти тил фанига кўшган жиддий ҳазинаси бўлди.

Фонологик даражани ўрганишида оппозициялар ва дифференциал белгилари ҳақидаги фаннинг вужудга келишига тилнинг грамматик ва семантик аспектларини ўрганишида самарали бўлиб чиқди. Функционал тилшунослик прагалик намоёндалари учун тил ходисаларини ўрганиш методли негизининг асосий қонун – қоидаларида функция тушунчаси хизмат қилади.

“Прага функционал тузилиши мактабининг руҳиятида, тил коммуникация тартиб воситаси бўлиб тушунилади, аниқроғи, коммуникатив воситалар захирасининг асосий бўлагидир. Бу барча тиллар компонентлари охириги ҳисобда шакллантиришни билдиради – коммуникация воситалари каби. Мулоқот умумий ва асосий “тил системасининг мақсади бўлиб келади” .

Прагалик тилшунослар “тил” ва “нутқ” Соссюранинг тушунчаларини грамматика ўрганишидаги конкрет саволларидан фойдаландилар, алоҳида синтаксининг фани ва унинг даражалари, шакли ва хусусиятлари, гапнинг табиати ва гап бўлаклари саволларидан фойдаландилар.

Синтаксис муаммолари функционал яқинлашиш тадқиқот ишларида, Прагалик Функционал тилшунослик асосчиларидан бири В.Матезиуснинг меҳнатлари тақдим этилган бўлиб, бу ишларда таниқли синтактик принциплари “Гапнинг актуал бўлимининг номи остида батафсил ишлаб чиқилган эди”.

Таниқли инглиз олими А.Гардинернинг “Нутқ ва тил назарияси” китоби, ўз ичига Соссюрининг тил ва нутқ позицияларининг формал ва маънавий гап аспектларининг ўзаро муносабатларини ўрганиши вазифасини олган бўлиб,

айниқса қизиқарли ишлардан бири бўлди. А.Гардинер<sup>19</sup> гапнинг асосий грамматик белгиси деб маънавий актни ҳисоблар эди, уни “нимадир нималар ҳақида гапиради, деган маънолардан иборатдир” дея тайинлаган.

Модомики берилган маънавий аниқлик ҳар доим ҳам анъанавий маънавий тушунчалар билан (эгадан кесим) мос келмаганлиги туфайли, А.Гардинер “формал” ва “ҳақиқий” эга ва кесимни ажратишни таклиф қилади.

Масалан: **“Генри келди, гап бўлаклари грамматик воситалардан фойдаланилганлиги туфайли ўзгариши мумкин, кўпинча, урғу ҳам”.**

**Henry has arrived** гапига, **“Генри нима қилди?” саволига жавоб – эгадир.**

Ва кесим ягона формал ва функционал тузилишини ҳосил қилади, “Ким келди” саволига жавобида эса, функционал маъно Генри бўлади. Функционал грамматиканинг асосий қонун – қоидасини ишлаб чиқишда функционал тилшуносликнинг француз мактаби (А.Мортине ва унинг мактаби), яна Г.Гийоманинг, Э.Бенвенистнинг ишлари алоҳида ўрин тутди.

Охирги вақтларда Ф.де Соссюрнинг орасидаги тушуниш асосидаги муносабат синтаксис саволларини, олмон тилшунослари фаол ўрганишяпти.

Ганц Глинцнинг “Гап бўлақларининг олмон грамматикасидаги тарихи ва танқидий назарияси” китоби, нутқ бўлақларининг қурилган системаси нуқтаи назаридан, шунингдек гап бўлақларининг қурилиш системасининг нуқтаи назаридан келиб чиқиши катта қизиқиш тақдим этади.

Г.Глинц грамматикада гап бўлақларининг замонавий тиллардаги тузилиш системасини асосли танқид қилиб, ўзининг гап бўлиниши системасини таклиф қилади. Г.Глинц гап муаммоларини ўрганишида тил ва нутқ орасидаги чегараланиши асосидаги ишлаб чиқиш методларидан фойдаланади.

Ф.де Соссюрнинг изидан Г.Глинц тилни нутқга қарама-қарши қўйилган психик ходиса деб тушунади. Г.Глинц гапни блокларга бўлиб, бу блокларни “*stelungsglieder*” деб атайди.

---

<sup>19</sup> Колшанский Г.В. Логика и структура языка. – М., 1965, 280с

Бу блоклар:

1. Бошқа аналогик сўзлар ёки сузиборалар билан, принцига қараб уларнинг имкон қадар ўрнини босиши, шунга қараб гап схемаси ўзгаришсиз қолиши,
2. бу белгиланган бўлақлар бир сўздан ёки сўз ибораларидан иборат бўлиши мумкин.
3. Булар орасидан бош бўлақларни (*hauptglieder*) ва боғлиқ бўлақлар (*unterglieder*), туфайли Глинц анализловчини тушунади.

Г.Глинц ўз методини қабул қила туриб, шундай хулосага келади, бунга гапнинг бош бўлаги кесим бўлиб келади, бу *leitglied* (етакчи бўлақ) деб номланади. Гапдаги пухта вазиятдан ва кесимнинг ўзгармас феълли характеридан Глинц феълнинг категорияларига эмас, балки феълнинг мулоҳазасига ёндошади.

Охир оқибат Глинц, гапнинг бош бўлаги *Verbum Finitum* бўлади, деган хулосага келади. Гап бўлақларининг асосий белгиси бўлиб, берилган сўзнинг шакли, унинг у ёки бу нутқ бўлагига алоқадорлиги маълум бўлади. Глинц функцияни у ёки бошқа сўзларни формаси орқали аниқлайди.

## **2.1. Прага тилшунослик мактабида гапнинг бўлакларга ажратиш масалалари**

Маълумки, функция назариясини ишлаб чиқишда Прага тилшунослик мактаби катта рол ўйнайди.

Мураккаб гапнинг бирлиги бир эмас, аксинча бир бутун катор белгилар йиғиндисидан иборатдир. “Гап – ноаниқ вужудга келган, чекланмаган йиғинди: бу ҳаётнинг ўзи тилни ҳаракатлантиради. Гап билан биз тил соҳасини худди белгилар системасини ташлаб кетиб, бошқа оламга, яъни тил оламига мулоқот воситалари каби, нутқимиз ҳукм сурган оламга қирамиз”.

Тилшунослик тарихида гап муаммоларини ўрганишга хилма-хил вазиятлар билан ёндошганлар: логик, психологик ва формал грамматик. Лекин бу ёндошишларнинг биттаси ҳам гап тарихининг ўрганишда гувоҳлик берганидек, гапнинг тил системасидаги илмий тушунтириш, муаммоларининг шакллантириш ва ишлашининг муаммолари беҳаддир. Барча тиллардаги синтаксиснинг марказий муаммоларидан бири – бу гап бўлинишининг масаласидир.

Бу гап тузилиши масаласи: гап бўлинишининг воситалари туфайли биз гап қандай жойлашганлигини тушунтириб беришимиз мумкин. Маънавий категориянинг қандай ифодаланиши ҳар қандай гапнинг ажралмас воситаси бўлиб келади. Маълум бўлишича, маънавий категория (маъно, маънавий муносабат) синтаксис назариясида, худди хилма-хил гап турларини битта синтактик категорияга бирлаштирувчи марказий категория сингари кўриб чиқилади. Маънавийлик гапнинг асосий белгиси, воситаси бўлиб саналади.

Маънавийлик илмий ғояларининг ривожланиши ва ўзгаришини ўрганишда синтаксис тарихида маънавийликнинг ҳар хил изоҳланиши турли тушунтирилади баъзида эса ўзаро мустаснолик нуқтаи назаридан, берилган категориянинг борлигини тушунишни кўриш мумкин. Маънавийликнинг махсус актуал муаммоси, функционал тилшуносликнинг ривожланишига эга бўлди, бунда коммуникация процессида иштирок этадиган, тил воситаларининг функционал ўрганилишига катта аҳамият берилади.

“Прага функционал – тузилиш мактабининг рухиятида, тил коммуникация восита системаси деб тушунилади, аниқроғи эса системаси деб саналади. Бу дегани барча тиллар компонентлари охириги схемада коммуникация воситалари каби функционалади”.

Айнан Прага функционал тилшунослик чорчўпида, гапнинг актуал бўлиниш назарияси вужудга келди, ва у синтаксис назариясида олдинга кўйилган улкан кадам деб саналади. В. Матезиуснинг назариясига таянган холда, гапнинг маънавий бўлиниши элементлари бўлиб:

- а) фикрнинг оқибат нуқнаси (асосий), яни шу нарса, таниқли бўлиб келади,
- б) фикр айтиш ядроси, яни гапирувчи фикр баён этиши асосида шунинг бор эканлигидир.

В.Матезиуснинг асосий хизмати гапнинг актуал бўлиниш таъминотида шундан иборатки, у гап бўлиниш муаммосининг тилшунослик вазиятини психологик тилшунослик намоёндаларидан фарқлаган холда муҳокама қилиш керак деб ҳисобларди.

В.Матезиус тил воситаларини ўргатишга катта эътибор берди, булар сўзлар тартиби ва оханги, ва унинг фикрича асосий тил воситалари гапнинг актуал бўлинишининг комплектини ифодалайди.

Замонавий синтаксис ишларида синтаксис ишларида синтаксис бўйича гап ва унинг бўлиниши, кўпинча илмий тадқиқотчиларнингдиққатини ўзига тортадиган ходисалар тез-тез хинд-европа тилларда учраб туради, айниқса гапнинг сўзлар тартиби ҳисобига бўлиниши ва гап таркибида лексиканинг морфологик ўзгармас охангининг бўлинишидир.

Актуал бўлиниш назариясига нисбатан белгилаб ўтиш жаезки, тарафдорларнинг нуқтаи назаридан берилган бундай назария хамиша хам тўғри келавермайди.

Актуал бўлиниш билан шуғулланадиган тилшуносларининг мулохазалари, тил системасидаги бундай бўлинишлар қандай ўрин эгаллайди, деган саволда тарқалади. Синтактик ва актуал бўлинишлар орасида қандай боғланиш бор, актуал бўлинишлар орасида қандай боғланиши бор, актуал бўлиниши билан

боғлиқ ходисага қарашлими, ёки синтактик бўлиниш тартиб ходисаси борми ёки йўқми.

Аmmo шуни белгилаб ўтиш жоизки, актуал бўлинишлар билан, гапнинг синтактик ва актуал бўлинишлари ўзаро муносабат планида ҳар хил йўлларда бўлинишига қарамай, барча ишларда у ёки бу гапнинг тузилиши характери икки хилликда, берилган ёки янги синтактик коммуникатив бўлинишида эътироф қилинмоқда. Хулосалар гапнинг формал ва маъновий тарафларини ўрганишда келиб чиққан актуал бўлинишлар бир-биридан айро ҳолда, синтактик ва актуал, бир гапнинг ўзида 2 хил тузилиш планининг муқаррар эътироф қилишга олиб келади.

Шундай қилиб, **“Менинг ўғлим университетга ўқишга кирди” гапида биз мантикий урғу қўйиш имкониятига эга бўламиз ва гапни маъносини мавзу ва маънога бўла оламиз: Менинг ўғлим университетга ўқишга кирди, Менинг ўғлим университетга ўқишга кирди, Менинг ўғлим университетга ўқишга кирди. Шундай қилиб битта грамматик структурада, актуал бўлиниши туфайли, тўртта фикр, коммуникация процесси вужудга келиши сабабли гапирувчининг оҳанги орқали аниқланади.**

И.П.Распопов<sup>20</sup> белгиланишича, фақат актуал бўлиниш “Маънавий актнинг борлигига ва гапнинг шаклланишининг тугалланишига гувоҳлик беради”.

В.З.Панфилов гапнинг актуал бўлиниши, шахсий “маънавий тузилиши фикрларни ифодалаб беришни акс этади”, деб ҳисоблар эди.

И.П.Распоповнинг нуқтаи назарида грамматик актуал бўлинишнинг орасидаги ўзаро муносабат, шундай тушунтирилади грамматик бўлиниши, фақат аввалги фикр лойихасини ишлаб чиқиш, кейин актуал бўлиниши туфайли мақсадга йўналтириш ташкил қилинади. И.П.Распопов гап

---

<sup>20</sup> Распопов И.П. Актуальное членение и коммуникативно-синтаксические типы предложений в русском языке. Докторская диссертация. М. 1964. - 350с.

бўлишининг икки хил турининг эътирофи асосида, гапнинг синтактик тузилишининг 2 та аспекти ажратиб кўрсатади. Функционал маъно томонидан икки номланган бўлишининг объектив реаллиги уларнинг расмийлаштириш томонидан ҳам бизга гапнинг синтактик тузилишининг икки аспекти хақида гапиришга ҳуқуқ беради.

Бу аспектларинг биринчиси у конструктив – синтактик, иккинчиси эса коммуникатив синтактик деб номланади. И.П.Распоповнинг концепциясига биноан конструкциясини тури “Мен сизга тилайман”, “Ота ўғлини севади”, гап бўлиб келмайди, чунки берилган конструкциялар комуникатив вазифаларга муқаррар муносиб эмас.

Охирги вақтларда синтаксисда янги яни гапнинг синтаксис тузилиши, гапнинг актуал бўлиниши, гапнинг семантик (ёки чуқурлашган) тузилиши, деган тушунчалар пайдо бўлди.

Шу орада гап структурасининг алоҳида босқичларга ажратилиши, шунга олиб келадик, бунда синтаксис, гапнинг маънавий даража бўлаклари мантиқий ва грамматик категорияларнинг ўзаро муносабати, сўз тартибининг грамматик аниқликни йўқотдилар. Гап аспектларини тузилишини ва схематикасини (актуал) алоҳида ўрганиш, бир қатор илмий тадқиқотчиларни синтаксисни кўпгина керакли ўзининг белгиларидан, мулкчилигини йироқлаштиришга олиб келди.

И.П.Распопов, О.А.Крылова – Самойленко В.З.Панфилов, Г.А.Вейхман гапнинг актуал бўлиши соҳасига маъновий муносабатларни ўтказишади.

Гапнинг синтактик бўлишининг остига, актуал бўлинишига қарама-қарши қўйилганда, унинг фақат эга ва кесимга бўлиниши тушунилганда, бошқа грамматик воситалари – сатр урғуси, сўзлар тартиби, шу назария асосида фақат актуал бўлиниши компонентларининг ифодаланиш учун хизмат қилади. Бизнинг назариямизда, гапнинг эга кесимлик морфологик шакли фақат битта кўринишда бўлади. Маъновийлик категориялари, энг тиниқ ва характерли ифода ва маъно воситасидир.

Шу орада гапнинг синтактик бўлаклари, бошқа воситалар билан ифодаланиши мумкин; Масалан, сўзлар тартиби, оханг билан ва х.к.

Гапнинг синтактик тахлили эса ўз навбатида, синтактик, гап бўлаklarинг барча тилнинг категорияларини ифодаловчи воситаларини ҳисобга олиши керак. Шунинг учун синтактик бўлиниш эга ва кесимга морфологик ўлпон бўйича боғланиш билан кифоялана олмайди, гарчи актуал бўлинишга карама-қарши қўйилса ҳам, бу айнан шундай тушунилади.

О.А.Лаптева ҳар бир гап актуал бўлинишга учраши мумкинми, яъни актуал бўлиниш принципи қанчалик ҳар томонлама ечишнинг имкони борми, деган саволларни қўяди.

Грамматик ва актуал бўлинишнинг ўзаро муносабати саволини ўрганишда берилган саволни муҳокама қилиш талаб қилинади. Турли тиллар маълумотларида ёки ҳар хил тиллар маълумотларининг танишиш хулосалари кўрсатилгандек, эга-кесимлик гапнинг тузилиши билан маъно тузилишининг номуносиблиги универсал бўлиб келмайди.

Сўз тартибларининг фазилатларини ўрганиш жараёнида, худди синтактик омилларни хитой тилида ўрганаётгандек, Э.И.Шутова шундай ёзар эди: Хитой тилидаги сўзларни ўрин алмаштирилиши шундай хусусиятлар билан характерланади. Бунда гапнинг марказий муаммоларининг сонига яна унинг формал синтактик мантиқий – маъновий аспектларининг муаммо бирликларини таклиф қиляптилар. Лекин синтактик муносабатлар, синтактик воситалар формаларида маъносиз ифодаланадилар ва бу факт бизнинг нуқтаи назаримизда синтаксис учун муҳимдир. Морфологик ферментлар ўрнига эга синтактик воситалар системасида, синтактик муносабатлар ифодаланиши, белгиланиши керак.

Морфологик формантлар, сўз формасининг тузилиши компонентининг рўлида ижро этади ва гапнинг тузилиш бўлакларида гапнинг структура бирликлари бўлиб иштирок этади.

Лексика бўлаklarининг категориялари ва унинг морфологик кўрсаткичлари турли тил тузилиш даражаларига тегишли ва шунинг учун гап

тузилиш ва унинг бўлиниш хусусий синтактик белгилари билан яни синтактик алоқалар характери билан гап бўлаклари аниқланиши керак.

Гапнинг грамматик тузилишини вужудга чиқараётган синтактик муносабатлар типдаги бош бўлаклари орасида маънавий муносабатлар бор.

Шундай қилиб маънавийлик бу гапнинг бош бўлаклари синтактик воситалари ёрдамида гап тузилишини уюштириш усули бўлиб – грамматик маъно деб ном олган, уларнинг муносабати гапнинг грамматик тузилишини ташкил этади. Модомики, синтактик бўлақларининг тушунчаси эга ва кесим тушунчасидан кенгроқ бўлгани учун яна гапнинг синтактик тузилиш таълимотини, мулохазанинг мантиқий таълимоти билан боғламаганда “грамматик шахс” ва “грамматик маъно” терминларинг ишлатилиши, гапнинг бош бўлақларини белгилаш учун кўпроқ мос келади.

Маънавий тамға гапнинг асосий белгиси бўлганидек, исталган тилда гапнинг синтактик структураси учун эквивалент категорияси бўлиб келади.

Маънавийлик категорияси бир вақтнинг ўзида ҳам синтактик, ҳам сематик категория бўлиб, гапнинг асосий конструктив фактори бўлиб келади. Шу сабабли, тугалланишга, фикрларга эришилади ва гап коммуникатив тил бирлигининг тўла қимматли истеъдоди билан чиқишга эга бўлади. Маънавий муносабатларининг категория мазмунини очиш учун, барча тил воситаларини ҳисобга олиш зарур, яни гап тузилишининг вужудга келишида иштирок этадиган, конкрет характерли ва типик конкрет тил воситалари учун аниқлашни, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсирчанлигини, гап структурасининг вужудга келиш процецида белгилашни ҳисобга олиш зарур.

## 2.2. Гапнинг актуал бўлакларига ажратиш назарияси

Илмий изланишлар, синтактик текширувларнинг назарияси ва амалиётнинг жамланиши синтактик назариянинг бутунлай мураккаблашувига олиб келди. Бу келажакдаги чегарасиз ва мураккаб грамматик илмни ўрганишда турли ёндашувлар ва дунёқарашлардан келиб чиққан ишни ривожланиши янги илмий факторлар ва концептуал аппаратда муаммолар ривожлантиришга олиб келди. Агар бу ечимни хал қилиб бўлмаса янги илмий концепциянинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳолат гап ва унинг ажралоши муаммосини ўрганиш тарихига тааллуқлидир. Гапнинг ажралоши актуал теорияси психологик синтаксисни алмашилишига олиб келди. Изланувчилар гап ажралошнинг ўзгариши сўзлар таркиби ва интонацияни ўзгармас лексико-морфологик таркибнинг мавжудлигида рўй беришини аниқлашди. Лекин улар бу ҳолатда лингвистик муҳитни қандай бўлишини тушинтира олмайдилар.

Синтактик назарияни ўрганишдан аввал лингвистик бўлишни қайта кўриб чиқиш ва назарияни тузилишини гапнинг коммуникатив таркибини кўриб чиқиш керак эди.

“Тилнинг коммуникатив таркиби лингвистик текширувларнинг асосий масаласи бўлиши даркор”. Тилнинг нутқдаги вазифасини ўрганиш ушбу таркибнинг ўрганишида муҳим усул ҳисобланади. Бунда тилнинг вазифаси коммуникатив омиларни пайдо бўлишида жуда муҳим. Прага структуралистлари гапнинг вазифалари назариясини яратдилар ва бу лингвистик анъана тилнинг коммуникатив функцияларини туғилишида муҳим ўрин эгаллади.

Бу йўналишларда шу олиб борган В.Матезиус бу борада яъни коммуникатив синтаксис назариясини ва гап ажралошнинг актуал назариясини ўрганишда ғоят муҳим ишлар қилган. Матезиус куйидагича формула беради: “Актуал ажралошнинг асосий элементлари-бу фикрнинг келиб чиқиш нуқтаси бу ҳолатда аниқ бўлган ёки соддагина айтганда фикр

билдирувчининг фикри осон тушунадиган, айтилаётган фикрнинг мағзи сўзловчининг фикрининг келиб чиқиш нуқтаси тушунилади”.

Матезиус<sup>21</sup> гапнинг нафақат шаклий бўлаклари (эга, кесим, иккинчи даражали бўлаklar) балки актуал бўлаклари борлигини исботлади. Бу бўлаklar фикрни аниқроқ баён қилишда муҳимлигини айтди. Агар шаклий бўлак-дейди у-гапнинг грамматик таркибини ажратса, актуал бўлаklar гапнинг предмет контекстда таркибга кириш холларини аниқлайди.

Гапнинг актуал бўлаклари гапнинг ягона хабар сифатида қабул қилинишига имкон яратади. Актуал бўлак айтилаётган фикрни аниқ ходисани гап билан боғлайди. Айнан аниқ бир ходиса гапдаги сўзлар ва интонация ўзгарганда гапнинг синтактик структурасини хар хил ўзгаришлардаги муносабатини аниқлаб беради. Лингвистика тарихида гап бўлаклари харакатланиши аниқланган. Бунга классик мисол сифатида Б.Паул: “Карл Берлинга эртага келади” бу ерда фикрни қай мақсадда айтилишидан қатъий назар психологик кесим бўлиб ҳамма тўрт сўз ҳам бўлиши мумкин. Ушбу масалада Д.Хэррис 1751 йилда “Гермес ёки универсам грамматика ва тилга оид фалсафий изланишлар” китобида диққат қаратган. Ушбу хусусда француз адиби 1844 йилда ҳам фикр билдирган. У гапда шаклий бўлаklar билан бирга “харакатдаги ғоялар”, “келиб чиқиш нуқтаси” ва “хабар мақсади гача бўлган бўлаklarни аниқлаш мумкин дейди”. Матезиуснинг асосий хизмати актуал бўлаklar лингвистик позицияда қараб чиқишини ўрганишдир.

В.Матезиус асосий этиборини тил омиллари хусусан интонация, сўзлар тартибини ўрганишга қаратди. Унинг фикрича айнан улар гапнинг актуал бўлаklarида муҳим ўрин эгаллайди. В.Матезиуснинг фикрлари тахминий белгилар сифатида қолди.

В.Матезиусдан сўнги изланишлар унинг фикрини ва тилнинг муҳим материаллари сифатида қайтадан ишлаб чиқишди. Томонлар гап тилнинг

---

<sup>21</sup> Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения. // В кн. Пражский лингвистический кружок. – М., 1967.-265с

тугалланган бирлиги деб қабул қилдилар. Яъни гап коммуникация мақсадидаги омилдир. Агар коммуникатив масалани мақсад, истак, асосий фикр сифатида аниқласак актуал бўлакни коммуникатив вазифага бевосита боғлиқликни кўрамыз.

Ҳар бир гап коммуникатив вазифани ўтайди. Коммуникатив вазифа ҳолатдан ва сўзловчи истагидан келиб чиққан ҳолда ўзгаради. У билан бирга гапнинг актуал бўлаклари ҳам ўзгаради натижада янги гап ҳосил бўлади.

**Масалан: кеча кечқурун спортсменларимизнинг олимпиададан қайтишини билдик.**

Сўз тартиби ва логик ундалманинг ўзгаришидан бу 8та актуал бўлакка эга бўлишимиз мумкин. Актуал бўлак атамаси сифатида: “асос ва эргашган бўлак”, “лексик эга”, “лексик кесим”, “фикрий субъект”, “берилган” ва “янги” “фикрий предикат”, “фокусли” ва “фокуссиз”, “аниқ” ва “ноаниқ”, “мантиқий субъект” ва “мантиқий предикат” ва бошқалар.

Ўхирги ўн йилликда айрим тилларда комуникатив бўлакларни ўрганиш замонавий синтактик грамматика ва лингвистик адабиётда қайта ишланмоқда. Хусусан инглиз, чех, немис, рус тилларда, хинд европа тилларида асосий қайта ишлов олиб борилган. Сўзлар тартибининг актуал бўлаклар орқали боғланишини ўрганиш (1-март славян тилида) Матезиус томонидан ишлаб чиқилган. Ундан сўнг актуал бўлакларни ўрганиш чех адабиётида кенг тарқалди, сўнг бошқа давлатларда ҳам.

XX аср 2-ярмига келиб бу муаммо энг илғор муаммолардан бирига айланди. Актуал бўлаклар сифатида қуйидаги атамалар кўлланилиши ҳам мумкин: фикрий бўлак, коммуникатив бўлак, тема-рематик бўлак, логика-грамматик бўлак. Ҳар хил атамалардан фойдаланиши муаммони ечишда ҳар томонлама ёндашиш билан ҳал этилишини талаб қилади.

Гапнинг функционал ва коммуникатив даражалари, гапдаги сўзларнинг грамматик таркибига нисбатан юқорироқ. М-н: инглиз тилида гап бўлаклари 2та гапдаги оғирлик қайси бир бўлакка тушишидан қатъий назар 2 коммуникатив таркибга эга.

Матезиус илгари сурган фикр гап бўлақларини тахлил қилишда лингвистик томондан ёндашувни талаб этади. Матезиус гап бўлақларини логико-психологик тахминини рад этди ва актуал гап бўлақларида тил категорияси мужссам бўлиб, у лингвистика ва психологик таркибга мансуб эмаслигини исботлаб берди. Матезиус актуал гап бўлақларини ўрганишда сўз таркибига ва тилнинг интонациясига аҳамият берди ва улар фикрнинг мағзи деб тушунтирди. Будагов шундай ёзади: “актуал гап булақлари қайси сўзга таалуклигидан қатъий назар, маъно тилнинг таркибига боғлиқ бўлади”.

Актуал гап бўлағи конкрет материал устидан устунлик қилиши керак, лекин бу ҳақиқатда рўй бермайди. Охирги 10 йилда шарқ тилларида (араб, хитой, хинд, бирман, монгол...) актуал гап бўлағини ўрганила бошланди. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатадики, актуал гап бўлақлари сифатида интонация, сўз тартиби, синтактик қурилишлар, артикл, морфемалар чиқиши мумкин экан.

### 2.3. Гапнинг грамматик ва мазмун аспектларини ўзаро муносабати

Кўпинча тадқиқотчиларни замонавий гап синтаксиси ва унинг бўлиниш тадқиқотидаги ходиса, ўзига жалб қилади, бу ходиса кўпинча ҳинд-европа тилларида учрайди, айниқса гапнинг ўзгармас лексико – морфологик таркибининг оҳанги ва гапнинг сўзлар тартиби ҳисобига гапнинг бўлинишининг қўшилишидир. Бу муаммонинг жуда муҳимлиги муқаррар бўлиб, бу саволнинг ўринли изоҳи синтаксис учун кординал маънони англатади.

Афсуски, белгилаб ўтиш жоизки, бундай изоҳдаги ходиса тилшунослик фанининг тарихида тадқиқотчилар кўпинча шундай хулосага келишарди, улар фақатгина гапнинг синтактик тузилишининг тўғри изоҳига ёндошиб эмас, балки аксинча, уни қийинлаштирадилар.

Тилшуносликда психологик йўналишинамоёндалари Г.Габеленц, Гауль, Ф.Фортунатов гап – бу психологик муҳокаманинг ифодаланиши деб кўриб чиқиш билан биргаликда психологик маъно тушунчасини таклиф қилдилар. Масалан: олмон тилшуноси Г.Габелц таъкидлаганидек, психологик шахс ва психологик маъно гапнинг грамматик бўлақларига лойиқ эмас.

Г.Габелц ўзининг таълимотда асосий эътиборни грамматик воситаларга, яъни урғуга, сўз тартибига ва х.кларга эмас, аксинча, гапдаги психологик шахс ва психологик маънони ифодаланиши, Габеленцнинг фикрича, алоҳида гапнинг грамматик таркибидан узилган ҳолда кўриб чиқиларди.

Биз Г.Паулнинг<sup>22</sup> ва Ф.Ф.Фортунатов таълимотларида психологик шахс ва психологик маънонинг аниқланишида мувофиқ изоҳланишини топамиз. Г.Паул гап бўлақларининг формал ва психологик орасидаги чегараланишни жуда аниқ қилиб кўрсатиб берди.

Унинг фикрича, ҳар бир гап бўлаги гапда қандай грамматик функцияни бажаришидан қатъий назар, психологик нуқтаи назардан у ёки шахс, ёки маъно бўлиб иштирок этиши мумкин.

---

<sup>22</sup> Пауль Г. Принципы истории языка.- М., 1960.-340с

Масалан: **“Карл Берлинга кетаяпти” гапида, гапирувчининг кайфияти ва эркинлигининг боғлиқлиги туфайли, исталган гап бўлаги психологик маъно бўлиши мумкин.**

Рус тилшуноси Ф.Ф.Фортунатов ҳам грамматик гапни ва психологик муҳокамани чегаралар эди. Психологик муҳокама ва грамматик гапнинг мавжудлиги билан, у гап ва фикр тузилиши мувофиқ эмаслигини тушунтирар эди.

Шундай қилиб, гап маъносининг ўзгариши мисра урғуси, сўзлар тартиби ва оҳанги туфайли ўзгаришини тан олиб тилшуносликдаги психологик йўналиш намоёндалари, берилган ходисани психологик категорияларни: психологик маъноларни киритиш йўли билан тушунтирдилар.

Бундай изохлаш, яни психология асосидаги тилшунослик ходисаларини, уларнинг тиллик моҳиятини тўғри тушунтиришга олиб кела олмасди..

Тилшуносликда психологик йўналиш намоёндаларининг энг заиф жойи, бу тил билан боғлиқ бўлган ходисалар алоҳида муҳокама қилинганлигидир, тилдан ажралган ҳолда.

Агар психологизм намоёндалари тилда фикрни психология принциплари асосида ифодалашни тушунтиришга ҳаракат қилган бўлсалар, гапнинг маъновий бўлишининг тилшунослик вазиятлари билан боғлиқлик ходисасини ечиш учун ҳаракат қилинади.

Гап бўлишининг актуал муаммоси, чехия тилшуноси В.Матезиус ишлаб чиққан принциплари, тилшунослик адабиётида кенг ёритилган эди.

Ўзининг гапнинг актуал бўлиниши назариясида В.Матезиус, гапнинг маъновий ва формал – грамматик бўлинишлари орасида аниқ тафовут ўтказди. В.Матезиус таъкидлашича гапнинг эга ва кесимини аниқлаш билан бир қаторда “Фикр баён қилиш асоси” ҳисобга олиш керак.

В.Матезиус гапириш ҳолатининг конкретлиги гап туфайли бўлишининг, аввал психологик катта йўлда унинг сохталашининг ўрнига асосланиб таклиф билан чиқади. В.Матезиуснинг гапнинг актуал бўлиниши ҳақидаги

илмида, у гапнинг бўлинишув муаммосини, тилшунослик вазиятининг психологик йўналиш намоёндаларидан фарқли равишда кўриб чиқди.

В.Матезиус тил воситаларини ўрганишга катта ахамиятни актуал бўлиши компонентларининг ифодаланиши учун асосий тил воситалари бўлиб келган, унинг фикрича, сўзлар тартиби ва охангига қаратди.

Бизни қизиқтирган бу савол бўйича олмон тилшуноси К.Боастнинг концепцияси ўзгача бўлиб келади. К.Боастнинг фикри кўп жихатдан В.Матезиуснинг фикри билан тўғри келади. К.Боастнинг таъкидлашича, гап труктурасининг аниқлаш асоси “кучланиш принципи”дир.

Гап тузилишининг асосинининг асосини унинг фикрича гапнинг “тема” ва “пема”га бўлинишини ташкил қилади.

К.Боастнинг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, гапнинг “тема” ва “рема”га маънавий бўлиниши грамматик бўлиниши билан яни гапнинг эга ва кесими билан тўғри келмайди.

В.Матезиус каби, К.Боаст ҳам маънавий бўлиниш компонентлари ифодасининг асосий воситалари учун, сўзлар тартиби ва охангини белгилайди.

В.Матезиус ва К.Боаст концепцияларининг кучли томонлари шундан иборатки, улар аниқ тилшунослик позицияларида гап бўлинишининг муаммосини кўриб чиқишди ва психологик категорияларидан воз кечишди, шу билан биргаликда, гапда бевосита фикр ифодаланишида қатнашадиган, сўзлар тартиби ва оханги каби тил воситаларини ўрганишга катта ахамият берадилар.

Синтаксис назариясида охириги вақтларда гапнинг маъновий бўлинишининг муаммоси энг актуал саволлардан бири бўлиб келаяпти. Бу муносабатда К.Г.Крушельницкаянинг концепцияси катта қизиқиш тақдим этмоқда.

К.Г.Крушельницкаянинг<sup>23</sup> фикрига биноан, ҳар бир гап бўлагида икки маъно бор: “синтаксис маъно” ва “коммуникатив вазифа”нинг мазмунини “берилган” ва “янги”. Коммуникатив вазифага тобе бўлган ҳар бир гап бўлаги худди “берилган” ва “янги”дек олдинга чиқиши мумкин. “Берилган” ва “янги” мазмунларга К.Г.Крушельницкая махсус синтактик даража деб қаралган.

